

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАГАЕВ ИЛХОМ УЛАШЕВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ИЧАК ИНВАГИНАЦИЯСИНИ ТАШХИСЛАШ ВА  
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Тагаев Илхом Улашевич**

Болаларда ичак инвагинациясини

ташхислаш ва даволашни

такомилаштириш..... 3

**Тагаев Илхом Улашевич**

Совершенствование диагностики и

лечения инвагинации кишечника

у детей..... 23

**Tagaev Ilhom Ulashevich**

Improving the diagnosis and treatment

of intussusception

in children..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАГАЕВ ИЛХОМ УЛАШЕВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ИЧАК ИНВАГИНАЦИЯСИНИ ТАШХИСЛАШ ВА  
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Тиб3231 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шамсиев Жамшид Азаматович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Сатаев Валерий Уралович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Юсупов Шухрат Абдурашулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Етакчи ташкилот:**

**Озарбайжон давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DS: 04/36.12.2019.Тиб/102/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил « 9 » кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 70А- уй, СамДТУ ихтисослаштирилган болалар хирургик клиникаси, Тел/факс: 0(366)-233-58-92, 233- 79-03, e-mail: [shodikulovagulandom@mail.ru](mailto:shodikulovagulandom@mail.ru)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ «\_\_» рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темуր кўчаси 18. Тел./факс: (99866) 233 -07-66).

Диссертация автореферати 2024-йил « \_\_\_\_\_ » ой кунини тарқатилди.

(2024-йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги рақамли реестр баённомаси).



**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ичак инвагинацияси (ИИ) бу ичакнинг бир сегменти кўшни сегментга кириб бориши бўлиб, болаларда қорин бўшлиғи шошилишч хирургиясида кенг тарқалган сабаблардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...болаликнинг ўткир жарроҳлик патологиялари орасида ўткир ичак тутилиши 1,2-9,4% ни ташкил қилади, ичак инвагинацияси ўткир ичак тутилишининг бир тури бўлиб 70-80% ни ташкил қилади...барча турдаги қорин бўшлиғи патологиялари орасида иккинчи ўринда туради ва уларда диагностик хатолар ҳолатлари 50% га, асоратлар сони 16,2 - 53,7% ҳолларда кузатилади...»<sup>1</sup>. ИИ диагностикаси нафақат касалхонадан олдинги босқичда, балки ихтисослаштирилган шифохонадаги шифокор учун ҳам маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, болаларда ИИни эрта ташхислаш ва даволашнинг энг мақбул усулларини танлаш, уларни қўллашнинг оптимал вақтини белгилаш ҳамда даволаш натижаларини яхшилаш болалар жарроҳлиги амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда ичак инвагинацияси мавжуд болаларда диагностик чоратадбирлар мажмуасини ва жарроҳлик даволашнинг мақбул тактикасини ишлаб чиқиш, ҳамда асоратларни олдини олишга қаратилган қатор илмий татқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада болаларда ичак инвагинациясини аниқ ташхислаш учун ултратовуш диагностикаси, компьютер томографияси, рентгенография ва диагностик колоноскопия каби турли хил текширув усулларини қўллаш, эрта ташхислашни йўлга қўйиш, даволашни такомиллаштириш ва давонинг турли босқичларида беморларни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқишга қаратилган илмий татқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими олдида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан болалар ва ўсмирлар саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб

<sup>1</sup> Xie X., Wu Y., Wang Q., Zhao Y., Xiang B. Risk factors for recurrence of intussusception in pediatric patients: a retrospective study. *J Paediatr Surg.* 2018;53(11):2307–11. DOI: 10.1016/j.jpedsurg.2018.03.023

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2022—2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»

чикган ҳолда, ИИ билан касалланган болаларда касаллик клиник кўринишнинг ўзига хусусиятларини ўрганиш ва турли диагностика усулларининг самарадорлигини баҳолаш, касаллик вақти ва шаклига қараб ГЭК самарадорлигини баҳолаш, ичак инвагинациясини ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш орқали касаллик натижасида келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Ичак инвагинациясини даволаш усуллари ўзгарувчан, нафақат жарроҳлик, балки жарроҳлик бўлмаган (консерватив) усулда даволаш ҳам мумкин (В.В. Подкаменев, И.С. Шарапов, И.А.Пикало и др. 2018). Инвагинацияни ташхислаш ва даволашнинг мақбул усулини танлаш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда, касалликни оқилона ташхислаш ва даволаш ИИ нинг этиологияси ва клиник кўринишларининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек тиббий ёрдам даражаси ва иқлимий хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда маълум бир минтақада ёрдам бериш мумкин эмас. (Caruso A.M., Pane A., Scanu A. et al. 2019 ).

Казаков А. Н. мълумотларига кўра, "инвагинацияни жарроҳлик бўлмаган усулда даволаш хавфсизлиги исботланган, шу жумладан дезинвагинация пайтида ичак ичидаги босим назорат қилинмаса, бу техникани соддалаштириш ва қонсиз усул билан даволанган беморлар сонини 21% га ошириш имконини беради". Инвагинация ташхиси кўйилганда ва ичак тешилишининг перитонит белгилари бўлмаса, жарроҳлик бўлмаган усулда дезинвагинацияга уриниш керак, бу 50% дан ортиқ ҳолларда муваффақиятли бўлади" (John M., Siji C.R. A. 2020). Ушбу даражадаги диагностика ёндашувлари етарли даражада ривожланмаган.

Мамлакатимизда болаларда ичак инвагинациясининг клиник белгиларни эрта аниқлашга, текширув ва жарроҳлик даволаш усулларини

такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотлар амалга оширилган (Шамсиев А.М., Шамсиев Ж.А. 2022). Шу билан бирга болаларда ичак инвагинациясиясининг ташхислаш усулларини ноинвазив тасвирлаш усуллар билан такомиллаштириш ва даволашни мақбул усулларини, ҳамда оптимал оператив усулларини танлаш, даволашнинг якин муддатли натижаларини ўрганиш орқали келиб чиқадиган асоратларни олдини олишга қаратилган даволаш амалиёти ишлаб чиқилмаган.

Ҳозирги вақтда ИИ да терапевтик ва диагностика тактикаси замонавий болалар жарроҳлигининг долзарб ва ҳалигача ҳал қилинмаган муаммоларидан бирини англатади. Қониқарсиз натижаларнинг сезиларли фоизи, ташхис қўйиш, даволашнинг оптимал усулини, танлов турини ва касалликнинг босқичини танламаслик ушбу соҳада кейинги изланишларга олиб келади. Юқорида айтилганларга асосланиб, ичак инвагинациясияси билан касаланган бемор болаларда мазкур патологияни ташхислаш мезонларини қайта кўриб чиқиш, даволаш босқичларини тўғри ташкил этиш касалликларининг қайталаниши ва мумкин бўлган асоратларининг олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш ва консерватив даволашнинг янги усулларини такомиллаштириш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № ПЗ 01980006703-сонли «Диагностика, даволаш ва ИИ олдини олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» (2020-2023) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда ноинвазив тасвирлаш усулларни қўллаш орқали ичак инвагинацияси ташхислаш ва даволашини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда инвагинация вақти, тури ва асоратларига қараб ИИ нинг клиник кўринишларининг хусусиятларини ўрганиш;

инвагинация вақти, тури ва юзага келган асоратларга қараб турли хил ИИ си кўриниш усулларининг диагностик самарадорлигини ўрганиш ва аниқлаш;

ичак инвагинацияси бўлган болаларнинг ёшига, касаллик вақти ва шаклига қараб анъанавий ИИ ни даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш;

ичак инвагинацияси мавжуд болаларнинг ёшига, касаллик вақти ва инвагинация шаклига қараб ГЭК самарадорлигини аниқлаш;

болалар учун ичак инвагинациясини ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Самарқанд Давлат тиббиёт университети ихтисослаштирилган болалар хирургияси клиникасининг 2000-2023 йилларда 2 ойликдан 10 ёшгача бўлган даврдаги ичак инвагинацияси билан

даволанган 132 нафар болалар олинган. (Бош врач: профессор Шамсиев Ж.А).

**Тадқиқотнинг предметини** умумий клиник ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинган беморларнинг периферик қони ва қон зардоби, ҳамда пешоби ташкил этган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, биокимёвий, инструментал (қорин бўшлиғи рентгенограммаси, ультратовушли доплерография) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

ичак инвагинацияси бўлган болаларда касаллик клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари (қориндаги вақти-вақти билан давом этадиган хуружсимон оғриқлар (81,8%), қусиш (85,6%), пальпацияда ўсмага ўхшаш хосила (75%), "малинали желе" аломати (76,5%)) аниқланган;

ичак инвагинацияси мавжуд болаларда замонавий нурланиш усуллари қўллаш орқали ташхислаш тактикаси такомиллаштирилган;

болаларда ичак инвагинациясини консерватив давоси учун гидроэхоколонография усули жорий этилиб даволаш усули оптималлаштирилган;

болаларда такомиллаштирилган даво усулини қўллаш натижасида ичак инвагинацияси учун жарроҳлик даволаш кўрсатмалари максимал даражада чекланганлиги ва дезинвагинация жарроҳлик аралашувлари сони 10% га камайганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

болаларда ичак инвагинациясини консерватив даволаш учун гидроэхоколонография усули жорий этилган ва уни ўтказиш учун кўрсатмалар белгиланган;

индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ичак инвагинацияси бўлган беморларни даволаш учун терапевтик ва диагностик алгоритм ишлаб чиқилган;

гидроэхоколонографиядан фойдаланиш ичак инвагинациясини жарроҳлик йўли билан даволаш усулини танлашни оптималлаштиришга имкон берган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, жарроҳлик ва статистик тадқиқот усуллари ИИ билан оғриган болаларни даволашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ичак инвагинацияси бўлган болаларни ташхислаш ва даволашда замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш, кўлда мануал воситаларидан фойдаланган ҳолда гидроэхоколонография ёрдамида ичак инвагинациясини жарроҳлик амалиётисиз даволаш усулини оптималлаштириш, ичак инвагинациясининг қайталанишини ривожланишининг анатомик хавф омиллари операциясиз даволанишдаги техник хатоларни аниқлаш чора тадбирлари такомиллаштириш ва бу соҳада мамлакатимизда ўтказиладиган кейинги чуқур изланишлар учун асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда ичак инвагинациясини диагностика усули ва даволаш тактикасини танлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва уларни турли даражадаги тиббиёт муассасаларида беморларни ташхислаш ва даволашда қўллаш, даволаш тактикасини танлаш учун тавсия этилган алгоритмни ҳисобга олган ҳолда гидроэхоколонографияни ўтказиш учун кўрсатмаларни белгилаш, гидроэхоколонографиядан фойдаланиш, усулни танлашни оптималлаштириш, кўлда мануал ёрдам билан гидроэхоколонография усули такомиллаштириш орқали такрорланиш частотасини камайтириши ва муолажа вақтини қисқартириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Илмий тадқиқот натижалари 2024 йил 6 январдаги 28-сонли буйруқ билан СамДТУ ихтисослаштирилган болалар хирургик клиникаси ва 2023 йил 25 ноябр 27-сонли ва 2024 йил 15 июн 31 сонли буйруқ билан РШТТЎИМ Хоразм ва Сурхандарё филиали шошилиш жарроҳлик бўлими амалиётига жорий этилган

Тадқиқот натижаларини амалга ошириш операциядан кейинги асоратларни 24,8% дан 2,3% гача ва касалликнинг қайталанишини 15,1% дан 0,8% гача камайтириш орқали тиббий ёрдам сифатини яхшилади. Ичак инвагинациянинг клиник кўринишларининг батафсил тавсифи берилган, юзага келиши мумкин бўлган асоратлар хавфи олдини олади ва уларни камайтиради. Болаларда ичак инвагинацияси учун ишлаб чиқилган диагностик даволаш алгоритмини қўллаш орқали диагностика ва даволаш жараёнининг самарадорлигини оширади. Болаларда ичак инвагинацияни консерватив даволашнинг тавсия этилган усули - ултратовуш ва гидроэхоколонографиядан фойдаланиш туфайли рецидив частотасини камайтириш ва манипуляция вақтини қисқартириш имконини беради.

Тавсия этилган даволаш тактикаси билан даволанган 56 бемор учун молиявий харажатларни ҳисоблаш амалга оширилди. Асосий гуруҳда касалланган 41 нафар (73,2%) бемор консерватив даво олди, РИТБ ётоқ кунлари умумий сони 41 тани ташкил этди (қунига 1795 минг сўм), харажатлар миқдори 41x1, 795 минг сўм =73,595 минг сўм. 1-сонли

умумий жарроҳлик бўлимида қолиш нархи (41x1.5ё/к) x 0.223 минг сўм =13,745 минг сўм эди. Гидроэхоколонография қиймати 41x1,192 минг сўм =48,873 минг сўмни ташкил этди. Ошқозон-ичак тракти пассажининг назорати амалга оширилмади. Асосий гуруҳ билан касалланган жами 41 нафар бемор тавсия этилган усул бўйича ИИ ни консерватив даволаш учун 136,213 минг сўм сарфланган.

Асосий гуруҳдаги 15 нафар (26,8%) беморни жарроҳлик йўли билан даволаш учун РИТБ даги харажатлар (15x3 ё/к) x 1,795 минг сўм =80,775 минг сўмни ташкил этди. 9 та самарасиз гидроэхолонографияга 9x1, 192 минг сўм =10,728 минг сўм сарфланди. Жарроҳлик даволаш қиймати 15x4, 930 минг сўм=73,952 минг сўм. 1-сонли умумий жарроҳлик бўлимида даволаниш шартли харажат (15x4ё/к) x 0. 224 минг сўм = 13,410 минг сўм. Асосий гуруҳ- да касалланган 15 беморни жарроҳлик йўли билан даволаш учун 178,866 минг сўм сарфланди. Асосий гуруҳда касалланган 56 нафар беморни даволаш учун жами харажатлар 315,079 минг сўмни ташкил этди. Агар асосий гуруҳда ИИ ни даволашда анъанавий усулдан фойдаланилганида, харажатлар 378,949 минг сўмни, яъни 63,869 минг сўмни ташкил этган бўлар эди. Шундай қилиб, назорат гуруҳининг иқтисодий самарадорлиги 75,5% ни ташкил этди, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич 96,5% ни ташкил этди.

"Болаларда ичак инвагинациясини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш" мавзусидаги бошқа тиббиёт муассасаларида илмий ишланмаларни жорий этиш тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5-сонли хулосаси).

**Тадқиқот натижаларини апробация.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий конференцияларда, жумладан 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги асосланади, мақсад ва вазифалари шакллантирилади, объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилади ва амалиётга татбиқ этиш, иш натижаларини апробация қилиш ва нашр этиш, диссертация ҳажми ва тузилиши кўрсатилади.

Диссертациянинг биринчи бобида **"Болаларда ичак инвагинациясини таххислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари (адабиётларни кўриб чиқиш)"** ИИ нинг этиологик ва патогенетик жиҳатлари, хусусан, ушбу патологиянинг диагностикаси, клиник, морфологик ва даволаш омиллари тўғрисида долзарб маълумотлар келтирилган. Ушбу бобда ўрганилаётган муаммо бўйича, айниқса сўнгги 10 йил ичида етарли миқдордаги замонавий маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар таҳлил қилинади. Уларнинг пайдо бўлиш частотасига оид адабий манбалар таҳлили берилган; болаларда ушбу патологиянинг таснифи ва диагностикаси, тактик ёндашувлар, усуллар ва даволаш натижалари кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **"материалларнинг клиник хусусиятлари ва ишлатилган тадқиқот усуллари"** тадқиқот объекти, мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилишни таъминлайдиган клиник ва функционал усуллар ва услубий ёндашувлар тасвирланган. Ушбу диссертация ишининг асоси сифатида 2 ойликдан 10 ёшгача бўлган 132 нафар болани ИИ билан даволаш натижалари олинган. Барча беморлар СамДМУ ихтисослаштирилган болалар жарроҳлик клиникасида 2000 йилдан 2023 йилгача 23 йил давомида даволанган. Патология кўпинча ўгил болаларда кузатилган, бир ёшгача бўлган болаларда -89(67,4%). Бир ёшдан ошган болаларда 43 (32,6%) ИИ қайд этилган (расм 1).



*Расм 1. ИИ билан оғриган беморларнинг ёш таркиби.*



Даволаш тактикаси ва усулига қараб, ИИ билан касалланган барча 132 нафар бемор болалар 2 гуруҳга бўлинган. Назорат гуруҳи 59 та (44,7%) 2000-2014 йилларда даволанган, ИИ комплекс диагностикасида нурланиш диагностикаси усулларида (қорин бўшлиғи рентгенограммаси ва пневмоирригоскопия) фойдаланган беморлардан иборат. Асосий гуруҳ 73 та (55,3 %), 2014 дан 2023 йилгача бўлган даврда клиникада даволанган беморлардан иборат. Кенг камровли ташхис ва асосий гуруҳ билан беморларни даволаш контрол гуруҳдан фарқли ўларок, пневмоирригоскопияни истисно қилган ҳолда, бемор ва тиббиёт ходимлари учун катта нурланиш таъсирини бермайди. ИИ ни ташхислаш ва даволаш бизнинг клиникамиз томонидан биринчи марта таклиф қилинган дастурга асосланган. Гидроэхоколонографиянинг рентген усулидан фарқли ўларок, у нурланиш таъсирини бермайди, чунки у ультратовуш назорати остида амалга оширилади. (расм 2)



*Расм 2. Тадқиқот дизайни*

1-жадвалда касалликнинг давомийлигига қараб беморларнинг таққосланган гуруҳларда тақсимланиши кўрсатилган.

**1 жадвал**

**Касалликнинг давомийлиги бўйича беморларни гуруҳларга тақсимлаш**

Касалликнинг давомийлиги, соат	НГ n= 59	АГ n= 73	жами n= 132
12 соатгача	18(30,5%)	16(21,9%)	34 (25,8%)
13-24 соат	9(15,3%)	20(27,4%)	29 (21,9%)
25-48 соат	11(18,6%)	23(31,5%)	34 (25,8%)
48 соат ёки ундан кўпроқ вақт ўтгач	21(35,6%)	14(19,2%)	35 (26,5%)
жами	59 (100%)	73 (100%)	132 (100%)



Изоҳ:  $2=8.54$ ,  $p=0.036$ , танқидий қиймати  $-2 =7.81$ ,  $p<0.05$ : касалликнинг давомийлигига кўра назорат ва асосий гуруҳлар ўртасида беморларнинг тақсимлаш фарқлар аҳамияти.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, 25-48 соат олдин АГ да касалликка чалинган болалар сони НГ га қараганда сезиларли даражада ( $p<0,05$ ) кўп эди. Касалликнинг қолган даврларида гуруҳлардаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас.

Текширув мажмуасига анамнез йиғиш, текшириш, тиббий уйқу остида қоринни палпация қилиш, бармоқ ректал текшируви, лаборатория текшируви, рентгенография, пневмоирригоскопия (ПИС) ва ультратовуш (УТТ) текширувлари киритилган, сўнгги тадқиқотлар СамДМУ Ихтисослашган болалар хирургик клиникасида ўтказилган.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш натижалари ўртача арифметик (М), унинг хатоси (м) ва ўртача квадрат оғиш (о) ҳисоблаш билан Excel компютер дастурида вариацион статистика усули билан амалга оширилди. Олинган натижаларнинг ишончлилиги Стьюдент мезони (t) бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг учинчи бобида **"ичак инвагинацияси бўлган беморларни текширишнинг клиник ва лаборатория натижалари"**, унда ИИ нинг клиник кўринишини ўрганиш ва таҳлил қилиш кўрсатилган. 2000 йилдан 2023 йилгача даволанган 132 нафар беморнинг тиббий тарихи ретроспектив равишда ўрганилди. Ретроспектив тадқиқотлар асосида 57 нафар (43,1%) бола асосан туман касалхоналарининг болалар бўлимларидан қабул қилинганлиги аниқланди. Шуни таъкидлаш керакки, беморларнинг 10 нафари (7,8%) ИИ содир бўлиши дан олдин ўткир ичак инфекцияси билан юқумли касалликлар шифохонасида даволанган. Қолган рақамлар шуни кўрсатадики, бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари ва педиатрлари ушбу касаллик ҳақида керакли эҳтиёткорликка эга эмаслар.

## 2 жадвал

### ИИ билан оғриган беморларни гуруҳлар бўйича бирламчи даволаниши

№	мурожат	НГ n=59	АГ n=73	n=132
1	клиникага	13(9,8%)	25(18,9%)	38(28,8%)
2	ТМШ даволанган	23(17,4%)	34(25,8%)	57(43,2%)
3	Кўп тармокли болалар шифохонасида	1 (0,7%)	1 (0,7%)	2(1,5%)
4	Шахар болалар шифохонасида	2 (1,5%)	2 (1,5%)	4(3,0%)
5	Шошилич даволаш марказида	3 (2,3%)	1(0,7%)	4(3,0%)
6	Амбулатор даволанган	7 (5,3%)	4 (3,0%)	11(8,3%)
7	Хусусий клиникада	3 (2,3%)	1(0,7%)	4(3,0%)
8	Юқумли касалликлар шифохонасида	5 (3,8%)	5 (3,8%)	10(7,6%)

ИИ билан касалланган 132 нафар боладан фақат 13 таси (14,6%) она сути билан, 26 таси (29,2%) сунъий ва 50 таси (56,2%) аралаш озиклантиришда бўлган.

### 3 жадвал

#### Озиклантириш тури бўйича бир ёшгача бўлган беморларнинг таққосланган гуруҳларида тақсимлаш (n=89)

Озиклантириш	Она сути	Аралаш	Сунъий
КГ n=43(100%)	7(16,3%)	23(53,5%)	13(30,2%)
ОГ n=46(59,2%)	6(13,0%)	27(58,7%)	13(28,3%)
Всего 89 (100%)	13(14,6%)	50(56,2%)	26(29,2%)

**Изоҳ:** беморларни назорат ва асосий гуруҳлар ўртасида тақсимлашдаги фарқларнинг аҳамияти:  $-2=0,296$ ,  $n=0,862$ ,  $n>0,05$ .

Шуни таъкидлаш керакки, оналар касалликнинг бошланишини асосан кўшимча овқатларни бериш билан боғлашган. Шунингдек, ИИ си оилада онанинг биринчи фарзанди 57(43,2%) бўлган болаларда кўп учраган, бу биринчи фарзанди бўлган оналар, болаларни парвариш қилишда етарли тажрибага эга эмаслигини кўрсатади.

Қориндаги вақти-вақти билан давом этадиган хуружсимон оғриқлар– 132 нафар боладан 108 тасида (81,8%) қайд этилган. Болаларнинг 85,6 фоизида оғриқ синдроми 1-2 марта истеъмол қилинган овқатни қушиш билан кузатилди. Нажас ва газлар ажралмаслиги 46,2% ҳолларда кузатилди. "Малинали желе" аломати болаларнинг 76,5% фоизида касаллик бошланганига узок вақт бўлган беморларда кузатилган. Пайпасланадиган ўсмага ўхшаш, енгил эластик, цилиндрсимон, ўртача ҳаракатчан ва оғриқли хосила болаларнинг 75% фоизида аниқланди. 6% ҳолларда болаларда одатдаги хуружсимон безовталиқ йўқ эди, болаларнинг 3% да эса интоксикация, сувсизланиш белгилари туфайли холсизланиш ва умумий ҳолатининг ёмонлашувини кузатилди.

### 4 жадвал

#### Болаларда ичак инвагинациясининг клиник кўринишлари

№	клиника	Всего 132
1	Қориндаги вақти-вақти билан давом этадиган хуружсимон оғриқлар	108 (81,8%)
2	қушиш	113 (85,6%)
3	Тана ҳароратининг кутарилиши	63 (47,7%)
4	Ахлат ажралмаслиги	61 (46,2%)
5	малинали желе	101(76,5%)
6	пайпасланадиган ўсмага ўхшаш хосила	99(75,0%)

**Изоҳ:** бу ерда \* биринчи 0.001 клиник кўринишидан сезиларли фарқни ( $n<4$ ) англатади.  $2 = 92,52$ ,  $n=1,99$  ва 10-18

Тадқиқот шуни кўрсатдики, ультратовуш диагностикаси ичак инвагинациясининг эхографик белгиларини, айниқса "нишон" ва "сохта буйрак" белгиларини мос равишда 100% ва 97% аниқлик билан самарали аниқлайди. Бу ультратовуш текшируви ушбу касалликни ташхислашда самарали скрининг усули бўлиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Диссертациясининг тўртинчи бобида "Болаларда ичак инвагинацияси бўлган болаларни даволаш», болаларда ичак инвагинациясини


даволашнинг иккита усули мавжуд: консерватив ва оператив. Бироқ, даволаш усулини танлаш учун кўрсатмаларни аниқлаш билан боғлиқ бир қатор мунозарали масалалар ҳали ҳам мавжуд.

## 5 Жадвал

### ИИ да УТГ эхо белгиларини аниқлаш частотаси

ИИ эхо белгилари	Беморлар сони (n=70)	
	Абс.	%
«нишон» симптоми	70	100,0
«сохта бўйрак» симптоми	68	97,1
«қискичбака» симптоми	49	70,0
"ичакнинг ортиқча катланиши" симптоми	43	61,4

Консерватив дезинвагинация 82 нафар болада (62,1%) қўлланилган. Бу 62 та (47%) беморда муваффақиятли бўлди. Жарроҳлик йўли билан даволаш 70 та (53%) беморда амалга оширилди. Булар ичида, 20 нафар (15,2%) болаларда консерватив даво ёрдам бермаган ҳолатда (расм 3).



*Расм 3. ИИ билан оғриган беморларни даволаш усули билан тақсимлаш.*

Бизнинг тадқиқотимиздаги энг кенг тарқалган ИИ тури 119 нафар (90,1%) беморларда ингичка йўгон ичак (илеоцекал) инвагинацияси эди, бу ҳам жаҳон адабиёти маълумотларига мос келади.

## 6 Жадвал

### Текширилган беморларда ИИ турлари

№	ИИ тури	КГ n=59	ОГ n=73	Всего 132
1	Ингичка ингичка ичак	7(5,3%)	5(3,8%)	12(9,1%)
2	Йўгон йўгон ичак	1(0,8%)	-	1(0,8%)
3	ингичка йўгон ичак	51(38,6%)	68(51,5%)	119 (90,1%)

*Изоҳ: муҳим фарқлар  $n > 0.05$ .*

Йиллар давомида ўзгарувчан даволаш ва диагностика тактикасини ҳисобга олган ҳолда, беморлар консерватив даво усули бўйича 2 гуруҳга бўлинган: назорат гуруҳи 59 нафар (44,7%) беморлардан иборат бўлиб, улар 2000 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда ташхис қўйиш учун рентгеноскопия остида рентген ва пневмоирригоскопия (ПИС) дан фойдаланганлар; Асосий гуруҳ 73 нафар (55,3%) беморлардан иборат бўлиб, 2014 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда диагностика ва даволаш ультратовуш назорати остида гидроэхоколонографик дезинвагинация (ГЭК) усулига асосланган. Назорат гуруҳида да пневмоирригоскопия (ПИС) усули 59 нафар бемордан 30та

(50,8%) беморда диагностика ва консерватив дезинвагинация учун қўлланилган. 12 соатгача 18 та (30,5%) беморда ва 12 соатдан кейин (13 дан 24 соатгача) 5(8,5%) та беморларда қўлланилган. Ушбу усул 23 нафар (39%) беморларда муваффақиятли бўлиб чиқди, 7 нафар (11,9%) беморларда пневмоирригоскопия (ПИС) ижобий натижа бермаганлиги, ушбу техникани беморларнинг кеч муружат қилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

7 жадвал

### Назорат гуруҳида бажарилган даволаш турлари

Муддат	ПИС	ПИС + операция	операция	жами
12 соатгача	18(30,5%)	-	-	18(30,5%)
13-24 соат	5(8,5%)	1(1,7%)	3(5,1%)	9(15,3%)
25-48 соат		3(5,1%)	8(13,6%)	11(18,6%)
48 соат ёки ундан кўпроқ вақт ўтгач	-	3(5,1%)	18(30,5%)	21(35,6%)
жами	23(39%)	7(11,9%)	29(49,1%)	59(100%)

**Изоҳ:** касаллик бошланганидан бошлаб қабул қилинган пайтдан бошлаб амалга ошириладиган даволаш турларидаги фарқларнинг ишончилиги:  $-2=51.01$ ,  $n = 2.96$   $10^{-9}$ ,  $n < 0.001$

7-жадвалдан кўришиб турибдики: қабул қилиш вақти ва ПИС ҳолатлари сони ўртасидаги боғлиқлик:  $-0.83$ , бу кучли салбий муносабатни кўрсатади (қабул қилиш даврининг кўпайиши билан ПИС ҳолатлари сони камаяди). Қабул қилиш вақти ва ПИС + жарроҳлик ҳолатлари сони ўртасидаги боғлиқлик:  $0,93$ , бу жуда заиф ижобий муносабатни кўрсатади. Қабул қилиш вақти ва жарроҳлик ҳолатлари сони ўртасидаги боғлиқлик:  $0,99$ , бу кучли ижобий корреляцияни кўрсатади (қабул қилиш вақтининг кўпайиши билан операциялар сони ортади). Бу шуни англатадики, бемор қанча кеч келса, операция эҳтимоли шунчалик юқори бўлади ва фақат ПИС дан фойдаланиш эҳтимоли камроқ бўлади.

2014 йилдан бери биз асосий гуруҳда консерватив даволанишнинг янги усулини қўлладик, ультратовуш назорати остида ИИ ни гидроэхоколонография (ГЭК) усулида тўғриланган. Ушбу усулнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: нурланиш таъсирининг йўқлиги, инвагинатнинг тугриланишини визуал назорат қилиш, рангли доплер харитаси (ЦДК) орқали ичак деворининг ҳаётлигини объектив баҳолаш. Асосий гуруҳда гидроэхоколонография (ГЭК) 73 нафар бемордан 52 та (71,2%) беморда қўлланилган. 73 бемордан 57(78,1%) таси 12 соатдан кейин муружат қилишган. Консерватив равишда 39 нафар (53,4%) бемор дезинвагинация қилинди ва 13 нафар (17,8%) беморда уринишлар муваффақиятсиз тугади. Ушбу беморларга муваффақиятсиз уринишлардан сўнг жарроҳлик муолажаси ўтказилган. 15 нафар беморларда гидроэхоколонография (ГЭК) 5-6 марта уринишлари бажарилиши керак бўлди.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра (жадвал.8): қабул қилиш вақти ва ГЭК ҳолатлари сони ўртасидаги боғлиқлик:  $-0.98$ , бу жуда кучли салбий муносабатни кўрсатади (қабул қилиш вақтининг кўпайиши билан ГЭК



ҳолатлари сони камаяди). Қабул қилиш вақти ва ГЭК + жарроҳлик ҳолатлари сони ўртасидаги боғлиқлик: 0,34, бу заиф ижобий муносабатни кўрсатади. Қабул қилиш вақти ва жарроҳлик ҳолатлари сони ўртасидаги боғлиқлик: 0,99, бу кучли ижобий корреляцияни кўрсатади (қабул қилиш вақтининг кўпайиши билан операциялар сони ортади).

#### 8 жадвал

##### Асосий гуруҳда амалга ошириладиган даволаш турлари

Муддат	ГЭК	ГЭК + операция	Операция	жами
12 соатгача	16(21,9%)	-	-	16(22,9%)
13-24 соат	16(21,9%)	3(4,1%)	1(1,4%)	20(27,4%)
25-48 соат	7(9,6%)	8(11,0%)	8(11,0%)	23(31,5%)
48 соат ёки ундан кўпроқ вақт ўтгач	-	2(2,7%)	12(16,4%)	14(19,2%)
жами	39(53,4%)	13(17,8%)	21(28,8%)	73(100%)

**Изоҳ:** касаллик бошланганидан бошлаб қабул қилинган пайтдан бошлаб амалга ошириладиган даволаш турларидаги фарқларнинг ишончлилиги: -  $2=50,25$ ,  $n=4,18$ .  $10-9$ ,  $n < 0,001$ .

Операция қилинган 70 беморда интраоператив тарзда инвагинациянинг қуйидаги шакллари аниқланди: ингичка-йўғон 57 та, 12 та ингичка-ингичка ичак ва 1 та беморда йўғон йўғон ичак инвагинацияси (расм 4).



**Расм 4.** Операция қилинган беморларда ИИ нинг аниқланган шакллари

ИИ билан касалланган 132 боладан умумий болалар сонининг 70 (53,0%) да жарроҳлик амалиёти амалга оширилди (9-жадвал).

#### 9 жадвал

##### ИИ операция қилинган болалар сони

Муддат	кониқарсиз консерватив даво	операция	жами
От 13-24ч	4 (4,3%)	4(1,4%)	8(11,4%)
От 25-48ч	11(11,4%)	16(11,4%)	27(38,6%)
После 48 ч	5(2,9%)	30(12,9%)	35(50,0%)
всего	20 (28,6%)	50 (71,4%)	70(100%)

11-жадвалдан кўриниб турибдики, операция қилинган беморларнинг асосий қисми 24 соатдан кейин 62 (88,6%) бемор, 8 (11,4%) бемор 24 соатдан

олдин қабул қилинган. Консерватив даво самарасизлиги сабабли 20 та (28,6%) бола операция қилинди, 13 та беморда жарроҳлик дезинвагинацияси қилинган, 5 та болада ичакнинг некротик қисмини резекция қилиш ва анастомоз қўйилган, 2 та беморда перитонит клиникаси мавжудлиги сабабли ичакнинг тешилган қисмини резекция қилиш ва вақтинча стома қўйилган. 50 та (71,4%) беморда консерватив давога уринмасдан операция қилинган (10-жадвал).

#### 10 жадвал

#### ИИ бўлган болалар учун жарроҳлик аралашувлар

Операция	НГ n=36	АГ n=34	жами n=70
Лапаротомия, ИИ дезинвагинацияси	16(44,4%)	14(41,2%)	30(42,9)
Лапаротомия, дезинвагинация аппендэктомия билан	3(8,3%)	1(2,9%)	4(5,7%)
Лапаротомия, йўғон йўғон ИИ ни дезинвагинацияси	1(2,8%)	-	1(1,4%)
Лапаротомия, ингичка ичак тешилишини тикиш билан дезинвагинация қилиш	-	1(2,9%)	1(1,4%)
Лапаротомия, ичакнинг бир қисмини резекция қилиш билан охир охир анастомоз қўйиш	5(13,9%)	11(32,4%)	16(22,9%)
Лапаротомия, дезинвагинация стома қўйиш билан	11(30,6%)	7(20,6%)	18(25,7%)
Жами	36(100%)	34(100%)	70(100%)

Назорат гуруҳида 36 (51,4%) та, асосий гуруҳда 34 (48,6%) та, нисбатан назорат гуруҳида кўпроқ жарроҳлик амалиёти амалга оширилди. ИИ билан касалланган беморларнинг операциялар умумий сонининг 36 (51,4%) тасида интероперацион дезинвагинация қилиш, лапаротомия ичак анастомози қўйиш 16 та (22,9%) беморларда, лапаротомия, вақтинчалик стома шакллантириш 18 та (25,7%) болаларда амалга оширилган. Операция давомида 10 та беморда: Меккел дивертикули, ингичка ичак полипи, оилавий полипоз ва органоид ўсма каби органик сабаблар аниқланган.


#### 11 жадвал

#### Гуруҳ бўйича ИИ билан оғриган беморларда жарроҳлик пайтида аниқланган анатомик сабаблар

№	ИИнинг аниқланган анатомик сабаблари	НГ n=59	АГ n=73	n =132
1	Мекел дивертикули	2(3,4%)	3(4,1%)	5(3,8%)
2	Пьетца Егерса синдроми (ингичка ичак полипоз)	-	2(2,7%)	2(1,5%)
3	Органоид тератома (йўғон ичак ўсмаси)	-	1(1,4%)	1(0,8%)
4	Ингичка ичак полипи	1(1,7%)	1(1,4%)	2(1,5%)

7 (5,3%) ҳолларда ИИда ичак анастомозини қўйишдан кейинги жарроҳлик амалиётдан сўнг ўлимга олиб келадиган ҳолатлар қайд этилган,

6 та беморда ингичка ингичка ичак ва 1 та ингичка йўгон ичак инвагинациясидан кейинги ҳолат қайд этилган, ушбу болалар 48 соатдан кечроқ перитонит белгилари билан қабул қилинган. Жарроҳлик амалиёти вақтида 3 та беморда сероз геморрагик перитонит бўлгани учун, охир охир ингичка ичак анастомозлари қўйилган. Уч бемордан бирида ичак анастомозининг етишмовчилиги туфайли такрорий лапаротомиядан сунг терминал илеостомия шакллантирилган. Тўрт ҳолатда операция давомида вақтинчалик терминал илеостомия шакллантирилган, чунки ичакнинг тешилиши ва йирингли-нажасли перитонит мавжуд бўлганлиги учун. (расм 5).



**Расм 5.** Текширилаётган гуруҳлардаги ўлим ҳолатлари.

ИИ билан даволанган 132 нафар беморнинг 104 тасида (78,8%) касалхонадан чиққандан кейин 1 йилдан 25 йилгача узоқ муддатли даволаш натижалари ўрганилди. Назорат гуруҳининг 39 та (66,1%) ва асосий гуруҳнинг 65 та (89%) беморларида. (12 жадвал)

### 12 жадвал

#### Турли гуруҳларда ичак инвагинацияси бўлган беморларни катамнестик кузатув муддати


Беморлар гуруҳи	Кузатув муддати					жами
	1-5 йил	6-10 йил	11-15 йил	16-20 йил	20 йил ва ундан ортиқ	
ИГ n=59	-	1(1,7%)	9(15,3%)	12(20,3%)	17(28,8%)	39(66,1%)
АГ n=73	19(26,0%)	36(49,3%)	10(13,7%)	-	-	65(89,0%)
жами=132	19(14,4%)	37(28,0%)	19(14,4%)	12(9,1%)	17(12,9%)	104(78,8%)

Таъкидлаш лозимки, илгари операция қилинган беморларда баъзан қорин оғриғи ва безовталиқга, операциядан кейинги чандиғи соҳасидаги оғриқга 21 (30%) шикоят қилади ва 9 нафар (12,9%) беморларда баъзан ич қотиши кузатилмоқда.

Тадқиқотларимиз асосида биз болаларда ИИ диагностикаси ва даволаш тактикаси алгоритмини таклиф қиламиз (расм 6).



Биринчи босқичнинг мақсади инвагинат мавжудлигини ва унинг асоратларини аниқлаш, иккинчиси беморларни даволашнинг кейинги тактикасини аниқлашдир.



*Расм 6. Болаларда ИИ диагностикаси ва даволаш тактикаси алгоритми.*

Асосий ва назорат гуруҳларида уларни даволашни иқтисодий баҳолаш учун иқтисодий самарадорликни таҳлил қилиш усули ёки иқтисодий самарадорликни таҳлил қилиш ишлатилган. Ҳисоблаш учун 1-сонли умумий жарроҳлик ва РИТБ бўлимларида (шу жумладан озиқ-овқат ва дори-дармон харажатлари) битта бемор учун кунига битта ётоқ учун бюджет маблағлари қиймати ҳисобга олинди. Консерватив ва жарроҳлик даволаш харажатлари ҳисобга олинди. Ҳисоб-китоблар аслида амалга оширилди, таққослаш қулайлиги учун иқтисодий харажатлар 2023 йил апрел ойидаги нархларда ҳисоблаб чиқилган. Назорат гуруҳида беморларни даволашнинг анъанавий усули ва асосий гуруҳда тавсия этилган даволаш усулининг иқтисодий самарадорлиги таҳлили қуйидаги натижаларни кўрсатди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Назорат гуруҳи таркибига 59 бемор киритилган. Аниқлик учун ҳисоб-китобларга перитонит клиникаси билан кеч қабул қилинган, некротик ичакларни резекция қилиш билан оҳир- оҳир анастомоз қўйилиб, лапаротомия қилинган 5 та беморлар кирмайди.

Шундай қилиб, анъанавий даволаш тактикасидан фойдаланган ҳолда даволанган 42 бемор учун молиявий харажатларни ҳисоблаш амалга оширилди. 21 (50%) Назорат гуруҳидаги беморларга консерватив даво кўрсатилди, РИТБ ётоқ куни умумий сони 42 тани ташкил этди (кунига 1,795 минг сўм), харажат миқдори  $42 \times 1,795 = 75,390$  минг сўм. 1-сонли умумий жарроҳлик бўлимида бўлиш қиймати  $(21 \times 1,5 \text{ ё/к}) \times 0,223 = 7040$  минг сўмни ташкил этди. Пневмоирригоскопия қиймати  $21 \times 1,192 = 25,039$  минг сўмни, ошқозон-ичак тракти пассажи



назорати учун эса  $21 \times 0,140$  минг сўм = 2,940 минг сўмни ташкил этди. ИИ ни анъанавий консерватив даволаш учун жами 21 назорат гурхидаги болаларга шартли равишда 110, 410 минг сўм сарфланди.

Назорат гуруҳида касалланган 21 (50%) беморни жарроҳлик йўли билан даволаш учун РИТБ да харажатлар шартли равишда ( $21 \times 3$  ё/к)  $\times 1,795$  минг сўм = 113,085 минг сўмни ташкил этди.  $7 \times 1,192$  минг сўм = 8,346 минг сўм шартли равишда 7 та муваффақиятсиз пневмоирригоскопия учун сарфланди. Жарроҳлик даволаш қиймати  $21 \times 4,930$  минг сўм = 103,534 минг сўм. 1-сонли умумий жарроҳлик бўлимида даволаниш шартли равишда ( $21 \times 4$ )  $\times 0,224$  минг сўм = 18,774 минг сўм. 243,740 минг сўм шартли равишда НГ даги 21 беморларни жарроҳлик йўли билан даволашга сарфланди.

Жами 42 назорат гуруҳидаги беморларни даволаш учун шартли харажатлар 354, 149 минг сўмни ташкил этди.

Асосий гуруҳ таркибига 73 нафар бемор киритилган. Аниқлик учун ҳисоб-китобларга перитонит клиникаси билан кеч қабул қилинган, некротик ичакларни резекция қилиш билан охир- охир анастомоз қўйилиб, лапаротомия қилинган 11 бемор кирмайди.

Шундай қилиб, тавсия этилган даволаш тактикаси билан даволанган 56 бемор учун молиявий харажатларни ҳисоблаш амалга оширилди. Асосий гуруҳда касалланган 41 нафар (73,2%) бемор консерватив даво олди, РИТБ ётоқ кунлари умумий сони 41 тани ташкил этди (қунига 1795 минг сўм), харажатлар миқдори  $41 \times 1,795$  минг сўм = 73,595 минг сўм. 1-сонли умумий жарроҳлик бўлимида қолиш нархи ( $41 \times 1,5$  ё/к)  $\times 0,223$  минг сўм = 13,745 минг сўм эди. Гидроэхоколонография қиймати  $41 \times 1,192$  минг сўм = 48,873 минг сўмни ташкил этди. Ошқозон-ичак тракти пассажининг назорати амалга оширилмади. Асосий гуруҳда касалланган жами 41 нафар бемор тавсия этилган усул бўйича ИИ ни консерватив даволаш учун 136,213 минг сўм сарфланган.

Асосий гуруҳдаги 15 нафар (26,8%) беморни жарроҳлик йўли билан даволаш учун РИТБ даги харажатлар ( $15 \times 3$  ё/к)  $\times 1,795$  минг сўм = 80,775 минг сўмни ташкил этди. 9 та самарасиз гидроэхоколонографияга  $9 \times 1,192$  минг сўм = 10,728 минг сўм сарфланди. Жарроҳлик даволаш қиймати  $15 \times 4,930$  минг сўм = 73,952 минг сўм. 1-сонли умумий жарроҳлик бўлимида даволаниш шартли харажат ( $15 \times 4$  ё/к)  $\times 0,224$  минг сўм = 13,410 минг сўм. Асосий гуруҳда касалланган 15 беморни жарроҳлик йўли билан даволаш учун 178,866 минг сўм сарфланди.

Асосий гуруҳда касалланган 56 нафар беморни даволаш учун жами харажатлар 315,079 минг сўмни ташкил этди. Агар асосий гуруҳда ИИ ни даволашда анъанавий усулдан фойдаланилганида, харажатлар 378,949 минг сўмни, яъни 63,869 минг сўмни ташкил этган бўлар эди. Шундай қилиб, назорат гуруҳининг иқтисодий самарадорлиги 75,5% ни ташкил этди, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич 96,5% ни ташкил этди.

## ХУЛОСАЛАР

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) учун «Болаларда ичак инвагинациясини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация устида олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Касалликнинг 12 соатгача давомийлигига қараб болаларда ичак инвагинациясиясига қуйидаги клиник белгилар хосдир: қориндаги вақти-вақти билан давом этадиган хуружсимон оғриқлар (87,1%), "малинали жели" аломати( 73,3%), 24 соатгача: 1-2 марта қусиш (81,9%), ахлат чиқмаслиги (27,6%), қоринда палпация давомида ўсмасимон хосила мавжудлиги (87,9%), Касаллик бошланганидан 48 соатгача бўлган беморлар учун: кўп маротаба қайт қилиш (82,4%), қоринда ўсмасимон хосила мавжудлиги (67,6%), "малинали желе" (73,3%), ахлат чиқмаслиги (40,5%). Ингичка йўғон ичак инвагинацияси билан клиник белгилар касаллик бошланганидан 5-6 соат ичида пайдо бўлган, ингичка ингичка ичак инвагинацияси билан эса клиник кўринишлар кечикган ва 12 соатдан кейин намоён бўлган. Касаллик бошланганидан 48 соат ўтгач, барча беморлар операция қилинди.

2. Анъанавий усулда 12 соатгача бўлган рентген текширувлари паст диагностик самарадорликга эга. Ичак инвагинациясини ташхислашнинг энг информацион қўшимча усули бу ултратовушли сканерлаш бўлиб, у 100% ҳолларда, қабул қилиш вақтидан қатъий назар "нишон" белгиси аниқланади, қисқа вақт ичида кейинги даволаш тактикасини аниқлаш имконини беради.

3. Болаларда ичак инвагинациясини даволашнинг анъанавий консерватив усулининг ретроспектив таҳлилида 39% самарадорлигини кўрсатди, 61% да очик жарроҳлик қўлланилди ва ўлим кўрсаткичи 3,8% ни ташкил этди. Ичак инвагинацияси шаклига кўра, пневмоирригоскопия муваффақиятли уринишлари асосан ингичка йўғон ичак инвагинацияси ҳолатларида бўлган, ингичка ичак инвагинациясида муваффақиятсиз бўлган.

4. Болаларда ичак инвагинациясида учун тавсия этилган идреохоколонография усули консерватив даво самарадорлигини 10% (53,4%) га оширди, операциялар сонини 20% (46,6%) га камайтирди ва анастомоз кўрсаткичларини кенгайтириш орқали такрорий операциялар сонини камайтириш имконини берди, вақтинчалик стомалар қўлланилишини камайтирди.

5. Болаларда ичак инвагинациясини ташхислаш ва даволаш учун ишлаб чиқилган алгоритм касалхонада қолиш муддатини 4,1 дан 2,6 кунгача қисқартиради, ўлим сонини 3,8% дан 1,5% гача камайтиради ва иқтисодий самарадорлик коэффициентини 75,5% дан 96,5% гача оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019Tib.102.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТАГАЕВ ИЛХОМ УЛАШЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ  
ИНВАГИНАЦИИ КИШЕЧНИКА У ДЕТЕЙ**

**14.00.35 – Детская хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций за № В2022.4.PhD/Tib3231.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.samgu.uz](http://www.samgu.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))

**Научный руководитель:** Шамсиев Жамшид Азаматович  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Сатаев Валерий Уралович  
доктор медицинских наук, профессор

Юсупов Шухрат Абдурасулович  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** Азербайджанский государственный Медицинский университет

Защита диссертации состоится на заседании научного совета по присуждению научных степеней № DSc. при Самаркандском государственном медицинском университете «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 года в \_\_\_\_\_ часов. (Адрес: г. Самарканд, ул. М. Улугбека, 70А, Специализированная детская хирургическая клиника СамГМУ тел./факс: 0(366) 233-58-92, 233-79-03, e-mail: [shodikulovagulandom@mail.ru](mailto:shodikulovagulandom@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). Адрес: 140100, г. Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 года.

(протокол рассылки №«\_\_\_\_\_» от \_\_\_\_\_ 2024 года).



**А.М. Шамсиев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Ж.О. Атакулов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Инвагинация кишечника (ИК) - это проникновение одного сегмента кишечника в соседний сегмент, которое является одной из распространенных причин неотложной абдоминальной хирургии у детей. По данным Всемирной организации здравоохранения, «...острая кишечная непроходимость составляет 1,2-9,4% среди острых хирургических патологий детского возраста... инвагинация кишечника - это тип острой кишечной непроходимости, на долю которого приходится 70-80%...она занимает второе место среди всех видов и неотложных патологий брюшной полости, и при этой патологии случаи диагностических ошибок составляют 50%, количество осложнений наблюдается в 16,2 - 53,7% случаев...»<sup>1</sup>. Диагностика представляет определенные трудности не только на догоспитальном этапе, но и для врача в специализированном стационаре. По этой причине ИК у детей является проблемой, при которой необходимо выбрать наиболее оптимальные методы ранней диагностики и лечения данной патологии, установить оптимальные сроки их применения, а также улучшить результаты лечения, найти решение в практике детской хирургии.

Во всем мире при инвагинации кишечника разрабатывается комплекс диагностических мероприятий и оптимальная тактика хирургического лечения у детей, проводится ряд научных исследований, направленных на профилактику осложнений при ИК. В связи с этим важно проводить научные исследования, направленные на использование различных методов обследования, таких как ультразвуковая диагностика, компьютерная томография, рентгенография и диагностическая колоноскопия, для точной диагностики инвагинации кишечника у детей, установления ранней диагностики, совершенствования лечения и разработки тактики ведения пациентов на разных этапах лечения.

В нашей стране на систему здравоохранения возложен ряд задач, направленных на повышение качества предоставляемых населению медицинских услуг и адаптацию к стандартам Jаhоp, включая поддержание здоровья детей и подростков, раннюю диагностику и снижение осложнений возникающих у них заболеваний. В связи с этим, в целях радикального совершенствования системы здравоохранения «...повышения эффективности, качества и популярности указанной населению медицинской процедуры в нашей стране, а также внедрения высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, создания патронажной службы, были установлены принципы поддержки здорового образа жизни, профилактики и эффективной диагностики заболеваний...»<sup>2</sup>. Исходя из этих задач, исследование заболевания у детей с ИК позволяет изучить специфику клинической картины и оценить эффективность различных методов диагностики, оценить эффективность ГЭК в зависимости от тяжести и формы заболевания, диагностировать инвагинацию кишечника и разработать алгоритм лечения для

---

<sup>1</sup> Xie X., Wu Y., Wang Q., Zhao Y., Xiang B. Risk factors for recurrence of intussusception in pediatric patients: a retrospective study. J Paediatr Surg. 2018;53(11):2307-11. DOI: 10.1016/j.jpedsurg.2018.03.023

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан "О стратегии развития нового Узбекистана" на 2022-2026 годы

предотвращения осложнений, возникающих в результате заболевания, и снижения смертности.

Указ Президента Республики Узбекистан № 60 от 28 января 2022 года "О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы", 7 декабря 2018 года УП-5590 "О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан", решение ПП-5199 от 29 июля 2021 года "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы специализированной медицинской помощи в сфере здравоохранения" и данное диссертационное исследование в определенной степени послужат реализации задач, поставленных в нормативных правовых актах руководителя, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

